O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 20 февраль, № 36 (4189) Сешанба

Ислоҳотларимиз мағзи:

ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

Шу кунларда барча соҳа ва ҳудудларда ўтган йил якунлари таҳлил қилиниб, жорий йилнинг устувор вазифалари белгиланмоқда. Табиийки, бу анжуманларда Президентимизнинг 2007 йил 12 февралдаги маърузасида ифодаланган йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бош мезон вазифасини бажармоқда.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, АНИҚ РЕЖАЛАР

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида** кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.*

Йиғилишда қўмитанинг ўтган йил давомидаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва уни янада эркинлаштириш бўйича белгиланган устувор йўналишларни амалга оширишда фаол қатнашиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Айни пайтда йиғилганлар эътибори зарар билан ишлаётган, истиқболсиз, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тугатиш, монопол нархларнинг асоссиз ошиб кетишидаги суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида монополист корхоналар фаолияти устидан назорат ўрнатиш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни жадал ривожлантириш учун соғлом рақобат муҳитини яратиш каби масалаларга қаратилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йили 316 та иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарга нисбатан банкрот чоралари кўрилди. Мисол учун, "Оҳангарон темирбетон" ҲЖ банкрот қилиниб, унинг негизида қисқа вақт ичида учта қўшма корхона ташкил этилди ва 1.5 млрд. сўмлик инвестиция киритилиб, 2.6 млрд. сўмлик қувур, шифер, резина, ванна ва сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида 2006-2007 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастур қайта ишлаб чиқилди. Унда янги иш жойлари ва кичик корхона, микрофирма тузишдан тортиб то уй меҳнати ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришгача бўлган аниқ тадбирлар қамраб олинган. Дастур ижроси бўйича 92.5 минг та кичик корхона, микрофирма, 273 та бозор инфратузилмаси, 460 та консультатив ҳамда ахборот маркази ташкил этилди.

Қўмитанинг ташаббуси билан тадбиркорлар учун биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари янада кўпайтирилди. Айни кунда ишбилармонлар биржа савдолари орқали ушбу товарларни эмин-эркин сотиб олишлари мумкин.

Йиғилишда қўмита ҳудудий бошқармаларининг корхоналарни нол қийматда сотиш бўйича олиб борилган ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги ишларни яхшилаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бир қатор вилоятларда зарар билан ишлаётган, иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрилаётгани эътиборга лойиқ. Аммо шундай ҳудудий бошқармалар борки, уларнинг иш фаолиятидан умуман қониқиш ҳосил қилиш мумкин эмас. Бу фикр, аввало, Сурхондарё, Хоразм ва Фарғона вилояти бошқармаларига тегишлидир. Шу боис йиғилишда жорий йилнинг олти ойи якунида уларнинг мавжуд камчиликларни бартараф этганлиги ҳақидаги ҳисоботларини тинглаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қўмита матбуот хизмати.

* * *

*Урганчда **Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси** Марказий кенгашининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.*

Йиғилишда уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят филиаллари раҳбарлари, фермерлар қатнашдилар. Улар мамлакатимизда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда етакчи кучга айланганини, ўтган йили ҳам кўзланган натижаларга эришилганини таъкидладилар. Шу билан бирга, фермерлик ишида ташаббус ва масъулиятни чуқур ҳис этиш, бундан кейин ҳам ютуқлар омили бўлиб қолишини эътироф этдилар.

Сенаторлар ва депутатлар қатнашган йиғилишда айрим фермер хўжаликлари шартнома мажбуриятларига тўлиқ амал қилмаётганлиги, уларга нисбатан талаб сусайтирилгани жиддий танқид қилинди. Шунингдек, фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга хизмат кўрсатиш ишлари ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Тадбирда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмасининг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси билан ҳамкорликдаги ҳаракат дастури асосида икки томонлама амалга оширилган ишлар, режалар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Турли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

Маълумки, Хоразм вилоятида 1999 йилда 9 та ширкат хўжалиги ўрнида дастлабки фермер хўжаликлари иш бошлаган. Хозирга келиб, вилоятда Германиянинг "Агро Акция" ваколатхонасининг инвестицияси жалб қилингани боис хўжалик юритишнинг самарали воситалари ишга солинди.

Бу ерда ўтказилган кўргазмали семинарда пешқадам технологияларни амалда синаб, омилкорлик билан иш юритаётган хоразмлик фермерларнинг илғор тажрибалари билан танишилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Президентимиз томонидан Давлат солиқ органлари фаолиятига танқидий нуқтаи назардан ёндашилиб, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг самарали тизимини яратиш ва уларни назарда тутувчи комплекс дастурни ишлаб чиқиш, юзасидан белгилаб берилган муҳим вазифаларга эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).



Тасаввур қилинг: Сиз бирор бир ривожланган хорижий мамлакатга бордингиз. Савдо дўконларида ногаҳон "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси босилган маҳсулотга кўзингиз тушди. Беихтиёр қуёшдан тафт олган меҳнаткаш, бағрикенг одамлар — юртдошларимиз кўз олдингизда гавдаланади.

ЭКСПОРТ — ҒУРУРИМИЗ РАМЗИ

Гарчанд бу ҳол янгилик бўлмаса-да, ўз юртинг маҳсулотларини хориж дўконларида кўриш барибир қувонарли. Аслида рақобатбардош маҳсулотгина жаҳон бозорини забт эта олади.

Эътироф этиш жоизки, Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғида жойлашган "Uzbek ANK Spinning" Корея хорижий шўъба корхонаси мамлакатимиздаги ана шундай меҳнат жамоалари сирасига киради. Корея Республикасининг "Uzbek ANK Spinning Co.Ltd" корпорацияси таъсисчилигида ташкил этилган ушбу корхонада айни пайтда 230 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилишмоқда. Тез орада бу ерда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Бу эса қўшимча 600 та янги иш ўрни демакдир.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг умумий кўриниши; корхона ишчиси Наргиза Холдорова; "Uzbek ANK Spinning Co.Ltd" корпорацияси вакили Нам Джан Ван тўқувчи Дилноза Тўхташева билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури"га асосан ўтказилаётган маҳалла оқсоқолларининг ҳудудлараро ўқув-семинарлари давом этмоқда.

ОҚСОҚОЛЛАР ЎҚУВИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими раҳбарлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий билим ҳамда малакаларини ошириш мақсадида Самарқанд вилоятида ўтказилган навбатдаги семинарда 1200 дан зиёд маҳалла оқсоқоли иштирок этди.

Ўқув режасига мувофиқ, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар яна бир карра тушунтириб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти профессор-ўқитувчилари, бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари мамлакатимизда жорий этилган ўзини ўзи бошқариш тизимининг афзалликлари ва ҳуқуқий асослари, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган вазифалар хусусида тўхталдилар.

— Маҳалла оқсоқолининг вазифа ва бурчлари тўғрисида озми-кўпми тушунчага эга бўлсак-да, бугунги ўқув машғулотлари давомида тизим ҳақида янгича тасаввур ҳосил қилдик, — дейди Оқдарё туманидаги Кумушкент маҳалла фуқаролар йиғини раиси Башорат Пирманова. — Ваколат ва имкониятларимиз биз ўйлагандан ҳам кўпроқ экан. Шунингдек, зиммамиздаги масъулиятнинг ҳам нечоғлик катта эканини ҳис этдик.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устуворликларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасини дунё оммавий ахборот воситалари ана шундай шарҳламоқда.

Эълон қилинаётган репортаж, хабар ва таҳлилий мақолаларда Ўзбекистон етакчиси ўз чиқишида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этибгина қолмасдан ечимини кутаётган энг долзарб масалаларни ҳамда иқтисодий тараққиёт йўналишларини белгилаб бергани қайд этилади.

Хитойдаги «Жэньмин Жибао» газетаси 2006 йили Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланганига эътибор қаратади. «Мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши 6,2 фоизга, пулли хизматлар 19,3 фоизга шартнома асосидаги қурилиш ишлари ҳажми 12,8 фоизга ошди. Ўтган давр мобайнида мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳажм ва қўламлари кенгайди. Товар маҳсулотлари экспорти 31,5 фоизга ошиб, ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо қарийб 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2006 йилда 570 мингта иш ўрни яратилди, аҳолининг иш ҳақи 36 фоизга ошган», деб ёзади нашр.

Президент И.А.Каримовнинг мазкур маърузасига бағишланган ахборотлар **Россиянинг «ИТАР-ТАСС» ва «Интерфакс» ахборот агентликлари** каналлари орқали ҳам ёритилди. Тарқатилган материалларда диққат-эътибор Ўзбекистон Президентининг республикадаги ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори суръатлари анъанавий хом-ашё тармоғи эвазига эмас, балки рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига таъминлангани ҳақидаги сўзларига қаратилган. «ИТАР-ТАСС» давлатимиз раҳбарининг «2006 йили иқтисодиётнинг ўсиши 2000 йилга нисбатан таққослама баҳоларда 45 фоизни ташкил этди. Бунда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 22,1 фоизга, хизматларнинг улуши эса 39,5 фоизга етган», деган сўзларини келтиради.

«Интерфакс» «Ўзбекистон ҳукумати иш ҳақини ошириш, хусусий мулк ҳимояси ҳамда сармоялар жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш ниятида» сарлавҳали хабарида қайд қилишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2007 йилнинг биринчи даражали вазифалари орасида иқтисодиёт ўсишининг изчил суръатларини таъминлашни, тизимли ўзгариш ва модернизациялашни рўёбга чиқариш, солиқ сиёсати либераллаштирилиши давом эттирилишини белгилаб берди. «Ислом Каримов 2007 йил бюджети параметрларини парламент тасдиқлагани, у жорий йилда ялпи ички маҳсулотни 7,7 фоизга, саноат ишлаб чиқаришини — 7,8 фоизга, қишлоқ хўжалигини — 5 фоизга ошириш режалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилганини эслатди. Иқтисодиёт тармоқлари ривожлантирилишига жалб этиладиган сармоялар ҳажмини 25,5 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда, қатъий пул-кредит сиёсати шароитида пул қадрсизланиши даражаси эса 5 – 7 фоиздан ошмаслиги керак», деб ёзади Россия ахборот агентлиги.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, **Британиянинг Би-би-си агентлиги** 2006 йили Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилганини қайд этди. Бунда у жорий йили республикада мазкур жабҳани янада яхшилашга йўналтирилган қатор лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилаётганига эътибор қаратади. Мамлакат ижтимоий сиёсатидаги бу йўналишнинг муҳимлигини таъкидлар экан, Би-би-си мамлакат раҳбарининг «маърифатли ёш авлод — Ўзбекистоннинг энг катта бойлигидир» деган сўзларини келтиради.

(Давоми 2-бетда).

КЎРИНГ, МУҚОЯСА ҚИЛИНГ, ХУЛОСА ЧИҚАРИНГ

Навоий кон-металлургия комбинатининг Жанубий кон бошқармаси ҳузурида "Боржоми" суви ишлаб чиқарадиган кичик корхона иш бошлади. Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги "Нагорная" сиҳатгоҳи ҳудудида жойлашган булоқлардан олинаётган ушбу сув шифобахшлиги билан ажралиб туради.

ШИФОБАХШ БУЛОҚ СУВИ

Мутахассисларнинг фикрича, иссиқ ҳолатда ер қаъридан чиқаётган бу сув хлорид-сульфид-натрий моддаларига бой бўлиб, ошқозон-ичак касалликларини даволашда яхши самара беради. Маъданли сувни қайта ишлаш ва қадоқлаш корхонаси ана шу булоқларнинг яқинида барпо этилди. Бу ерда кунига ўн тоннагача ичимлик суви замонавий хориж технологияси ёрдамида қайта ишланиб, бежирим полиэтилен идишларда қадоқланмоқда.

Корхонада келгусида фақатгина ички бозорга эмас, экспортга ҳам маҳсулот чиқариш режалаштирилмоқда.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Япония аҳоли орасида қариялар салмоғи кўплиги бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Охирги аҳоли рўйхатидан маълум бўлишича, 65 ёшдан ошган кишилар 27 млн. (21 фоиз)ни ташкил қилади. Уларнинг 4 млн.дан зиёди ёлғиз яшашади. Ўттиз ёшгача бўлган аёлларнинг ҳар бештасидан учтаси турмуш қурмаган.

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Осиё-Тинч океани ахборот агентликлари ташкилоти Президент И.А.Каримов маърузасига бағишланган ўз ахборотида Ўзбекистонда фермерчилик тараққиёти мавзусига алоҳида эътибор қаратган. «Республикада фермерлик ҳаракати ўсувчан суръат билан ривожланиб бормоқда, деб ёзади агентлик. Унга салкам 190 минг хўжаликдаги 1,4 миллион нафар киши жалб этилган. Агар 2000 йилда мамлакатда етиштирилган пахта хом ашёсининг 21 фоизи ўзбекистонлик фермерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоизга етди. Ғалла етиштиришда уларнинг улуши 15 фоиздан 75 фоизга етди».

Нуфузли **«Global Insight» таҳлил компанияси** Президент Ислом Каримов 2006 йилнинг якунлари билан бир қаторда 2007 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларини ҳам белгилаб берганига эътибор қаратади: «Мамлакат раҳбари, жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг жадал ўсишини таъминлаш, иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқарувчи соҳаларини ривожлантириш, аҳолига тўланадиган ижтимоий тўловларнинг ҳажмини ошириш, кичик тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда хусусий сектор ҳиссасини юксалтириш, банк ва молия соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга даъват этди», — деб ёзади «Global Insight».

Президент маърузаси, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ишбилармон ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон раҳбари маърузасини шарҳлар экан, улар мазкур чиқиш нафақат Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳвол билан ҳар томонлама танишиш, балки мамлакат билан яқин бир неча йил ичидаги ҳамкорлик стратегиясини ишончли тарзда ишлаб чиқиш имконини ҳам беришини қайд этмоқда.

Голландиянинг «Van Der Ploeg International B.V.» қишлоқ хўжалик компанияси бошқарувчи директори Йохум Ван Дер Плухнинг айтишича, унинг компанияси Ўзбекистонга истиқболли ва мафтункор бозор сифатида қарамоқда.

— Мамлакат ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида хусусий сектор улушини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлари юксак баҳога сазовордир, — дейди тадбиркор. — Компаниямиз Ўзбекистон билан қорамол етказиб бериш, сутчилик ва парранда фермаларини тузиш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ва алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдорлигир. Президент Ислом Каримов маъ засида келтирилган далил ва статистика маълумотлари бизга ишонч бағишлаб, амалий ҳамкорликка имкон қадар тезроқ ўтиш учун жуда яхши туртки бўлиб хизмат қилади.

"Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни бир ярим йил муқаддам бошлаган ҳолда Тошкентда иккита тўқимачилик корхонасини очганмиз, — дейди **Голландиянинг "Dinana Fashion" компанияси бош директори Х.Гуллер**. — Ўтган қисқа вақт мобайнида биз Ўзбекистон раҳбариятининг тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва мамлакатда қулай сармоя муҳитини яратишга қаратаётган юксак эътиборини ўзимиз ҳис этиб улгурдик. Айнан мана шу эътибор туфайли мамлакат Президент Ислом Каримов томонидан айтиб ўтилган ривожланишнинг юқори суръатларига эришмоқда. Шу ўринда Ўзбекистонда таълим соҳасига ҳам жуда катта эътибор қаратилаётганини айтиб ўтишни истар эдим. Бу мавзу Президент маърузасида атрофлича ўз ифодасини топган ва мен бу йўлда амалга оширилаётган чоралар ўзининг ижобий натижасини бераётганини мамнуният билан қайд этишни хоҳлар эдим. Айни пайтда юртингизда ўз корхоналарини очаётган сармоядорлар малакали кадр ва мутахассислар билан боғлиқ ҳеч қандай муаммоларга эга эмас".

Жаҳон божхона ташкилоти катта ходими В.Микеладзенинг фикрича, Ўзбекистон экспортининг 31,5 фоизга ошгани мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва у секин-аста жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётганидан далолат беради.

— Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада кўпайгани эса хорижий тадбиркорларнинг Ўзбекистонга нисбатан бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётгани ва бу мафтункор бозорда ўрнашиб қолишга ҳаракат қилаётганининг ёрқин далилидир, — деди В.Микеладзе.

«Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қандай баландпарвоз сиёсий баёнотларни бераётгани йўқ, у сиёсий шовқин-сурон билан шуғулланмасдан, балки иқтисодиётни шакллантириш, давлат қурилиши билан машғул бўлмоқда, — дейди Россиядаги **«Мир говорит» газетасининг бош муҳаррири Виктор Матяшов**. — Мамлакатнинг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид маълумотлар вазиятнинг Ўзбекистон учун қулай томонга ривожланаётганидан далолат берса-да, Ислом Каримов мавжуд иқтисодий заҳираларга катта эътибор қаратиб, улардан фойдаланишнинг йўлларини белгилаб берди».

Президент И.А.Каримов маърузасини шарҳлар экан, **Россия Федерацияси сиёсий конъюнктура маркази эксперти Евгения Войко** Ўзбекистон етакчиси томонидан айтиб ўтилган иқтисодий жабҳага оид маълумотлар диққатга сазоворлиги, энг муҳими, улар муваффақият кўрсаткичлари эканлигига тўхталди.

— Ижтимоий фаолиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган тузилмавий ўзгаришлар республика раҳбариятининг мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишга интилаётганидан далолат беради. Президент ҳокимиятнинг барча соҳалардаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришга қатъий интилаётганини алоҳида таъкидламоқдаки, бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камаяётгани ҳамда хусусий бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганида намоён бўлмоқда, — деб таъкидлади россиялик эксперт.

«Ўйлашимча, Президент И.А.Каримовнинг маърузаси ўтган йил натижалари лўнда ифода этилгани ва 2007 йилдаги тараққиётнинг мақсад ва устуворликлари аниқ белгилаб берилгани билан диққатга сазовордир, — дейди **Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати Шим Же-дук**. Шу ўринда халқ фаровонлигини ҳар томонлама ошириш учун мамлакат ҳукумати қаратаётган диққат-эътиборни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Мазкур йўналиш Ўзбекистон раҳбарияти учун устувор бўлган ва шундай бўлиб келмоқда. Айнан шу боис маош, нафақа ва турли ижтимоий тўловларни ошириш масалалари Президент томонидан фаолиятнинг устувор йўналишлари рўйхатига киритилган. Фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислом Каримовнинг донолиги ва етакчилик қобилиятига чуқур эҳтиром изҳор этишни хоҳлар эдим. Ўзбекистон раҳбари аниқ вазифаларни ҳал этишда доимо узоқ муддатли истиқболларни ва вазифаларни кўра олади».

Корея Республикасида инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли «The Korea Post» журнали президенти ва нашири Ли Кёнг-сик мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқлари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг жадал ўсиши, экспортнинг сезиларли даражада юксалиши, олтин-валюта заҳираларининг ошиши, шунингдек, иқтисодиётни тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш борасидаги вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакат раҳбарияти томонидан белгиланган иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари муваффақиятли тарзда ҳал этилаётганидан далолат беради, — дейди Ли Кёнг-сик. — Жанубий кореялик ишбилармонлар Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хорижий сармоядорларга стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларни, жумладан, автомобилсозлик, электротехника, енгил ва тўқимачилик саноати корхоналарини таклиф этишга тайёр экани тўғрисидаги сўзларига алоҳида диққат билан қулоқ тутди.

Хитойнинг «Beijing Golden Harvest Trade Co., LTD» компанияси бош менежери Йао Юань Ўзбекистоннинг макроиқтисодий тараққиёти натижалари, ЯИМ ўсиши, экспорт ҳажмининг ўсиш суръати, олтин-валюта заҳирасининг ошиши ва тўлов балансининг барқарорлиги Халқаро Валюта Жамғармасидек нуфузли халқаро молия институти мутахассислари томонидан юқори баҳоланганига эътибор қаратди.

— Президент Ислом Каримов маърузасида келтириб ўтилган далил ва рақамлар ҳамда ХВЖ томонидан берилган юқори баҳо ўзбекистонлик ишбилармонлар билан алоқа ўрнатиш ниятида бўлган хорижий сармоядорлар учун ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилади, — деди Йао Юань. — Ўзбекистон Президентининг маърузасида акс этган вазиятнинг синчков таҳлили бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатдаги сармоя муҳитини яхшилаш масалалари мамлакат раҳбариятининг доимий диққат марказида турганидан далолат беради. Бу мамлакатда фаолият кўрсатаётганлар учун ҳам, бу ерга эндигина келишни режалаштираётганлар учун ҳам яна бир қўшимча туртки бўлиши шубҳасиздир.

"Жаҳон" АА.

Ўтган ҳафтага назар

Ўтган ҳафтада мамлакат ҳаётида рўй берган энг муҳим воқеа — Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларини муҳокама қилган мажлисидаги Президентимиз маърузаси бўлди. Истиқболдаги ишларимизни белгилаб берган мазкур маъруза жамоатчилик орасида бош мавзу бўлиб турибди. Президентнинг йил якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги "Шахсий манфаатини эл-юрт манфаатидан устун қўйганларнинг энг аввало виждони қийналсин" деган сўзлари бутун аъзои-баданимни жимирлатиб юборди. Яширмайман, аввало ўзимнинг виждоним оғриди. Ўзимни журналист санасам-да, кўпнинг ҳақини кемириб, ношукрлик қилаётганлар, меҳнати эмас, балки мансабидан обрў топаётганлар ҳақида шу пайтгача баралла бонг урмаганлигимдан хижолат тортдим. Бундай одамларга садқаи гап кетсин деган фикримдан изза бўлдим.

ПОК НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

Мажлис тафсилотининг телевидение орқали тўлалигича берилиши, Юртбошимизнинг куюнчалик билан айтган гаплари айрим одамлар қалбидаги ишончсизлиг-у андишаларни парчалаб ташлади.

— Эътибор қилдингизми, Президентимиз ҳар бир мавзу ҳақида фикр юритаркан, албатта журналистларга мурожаат қилди, — дейди ҳамкасбларимдан бири фахр билан. — У киши бизга суянаман, дедилар. Жасур, дадил бўлинглар деяпти. Эҳ, барибир журъатсизлик, малакасизлик қилаяпмиз-да...

Ҳамкасбим аччиқ, аммо ҳақ гапни айтди. Илгари ҳукмрон бўлган цензурадан қутулган бўлсак-да, у ичимиздан, хаёлимиздан чиқмаяпти.

Яқинда ҳузуримга тажрибали ўқитувчи ташвиш билан келди:

— Ўғлимни ўқишдан нотўғри ҳайдашди. Ректорни боплаб уриб беринг газетада!

— Сабаби бордир ахир?

— Учта имтиҳондан ўтолмабди. Суриштирдим. Дарсга қатнашмаган, дейишди. Атайин шундай қилишган. Хўш, унда нега менга хабар беришмаган. Тартибга олардим.

Ҳой инсон, уч йил фарзандингиз ўқиган жойга бирор марта келмагансиз. 20 яшар йигит ўзи учун жавоб бера олади. Синов дафтарчасини кўриб, ўқишини сўраб туринг эди. Муаллим бўлатуриб, уялмайсизми, ўринсиз даъво қилишга!

Йўқ, мен бу гапларни у кишига айта олмадим. Хатти-ҳаракатини, фаросатсизлигини кўриб фойдаси йўқ, деб ўйладим. Ёзмадим ҳам. Шунга виждоним оғрийди.

Икки-учта туманда депутатлар билан суҳбатлашишга тўғри келди. Уларнинг аксарияти ўз фаолиятига оид қонунларни билишмади. "Туман бюджетининг даромад ва харажат ҳажмини биласизми?", "Округингизда қанча сайловчи бор?", "Сенатнинг, Қонунчилик палатасининг қўмиталарини санаб бера оласизми?", "Депутатлик сўрови нима?" деган саволларим жавобсиз қолди. Ўз обрўсини, сиёсий савиясини ошириш устида, китоб уёқда турсин, ҳатто газета ўқишга ҳафсала топмаган депутатларни билмадим-у аммо бундайларни газета орқали ўз вақтида ҳушёрликка чақирмаганим учун менинг виждоним оғриди.

Манфаат — ҳаётий тушунча, ҳаракатга яраша рағбат дегани. Унинг кўринишлари кўп: шахсий, давлат, халқ манфаати. Манфаатлар кесишган жойда унинг меъёр ва чегаралари кўзга ташланади. "Сиздан угина — биздан бугина", "Бировнинг дардига совуқда қўлингни иситма" нақлларига амал қилганлар бу борада муроса-ю мадорага келишадилар. Ўртага виждон деган нарса тушади. Гап шундаки, у энг нозик паллада кимнинг ким эканлигини кўрсатиб қўяди.

Минг афсуски, виждони оғримайдиганлар учун бу хил мулоҳазаларнинг аҳамияти йўқ. Негаки, шахсий манфаат қаршисида улар бошқа ҳамма нарсани унутишади. Умумжамият учун хавфли томони, бундай хатти-ҳаракатнинг мансабдорлар томонидан содир этилишидир. Бу хил шахслар лавозим ва амални имтиёз, қилмишларини эса бошқалар билмайди, деб ўйлашади. Яна халқ ўртасида уялмасдан ҳалоллик тўғрисида маъруза ўқишади. Чунки виждонлари оғримай қўйган.

Йў-ўқ, инсофлилари ҳам бор. Хизмати ёки битта жиммажимадор имзоси эвазига қўп эмас, бор-йўғи, маблағнинг 5-10 фоизини сўрашади. Акс ҳолда, қурилаётган бино ва йўллар 1-2 йилда капитал таъмирга муҳтож бўлмасди. Қўлга тушгач, давлатнинг нотантилигидан, ўзининг "ночор"лиги, номида ҳеч вақоси йўқлигидан нолишади. Аммо уларнинг барча қилмишини халқ билади, очиқ айтмаса-да, ич-ичидан виждони оғрийди. Бундай ношукрлар одамларнинг давлат сиёсатига ишончини сўндиради.

Мана, нима учун Юртбошимиз бу хил тоифа кимсаларга нисбатан жамоатчилик нафратини уйғотиш зарурлигини таъкидлайди.

Бошқа жойларни билмадим-у, аммо бизнинг Самарқанд томонларда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой, дон маҳсулотлари корхоналари раҳбарлари матбуотдан, ошкораликдан чўчишади. Журналист кириб борса тезроқ хайрлашишни исташади. Ахир, уларнинг тез-тез алмашаётгани, жиноий жавобгарликка тортилаётганини кўриб турибмиз. Ўғри ва муттаҳамнинг аксарияти ана шундай «ёғли» корхоналар атрофида уймалашади.

Йил якунига бағишланган мажлисда чигитдан ёғ чиқиш даражаси озгина оширилганда салкам ўн минг тонна қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилгани айтилди. Халқ йиллар давомида сифатсиз маҳсулот билан алдганини билиб олди. Хушёр, фидойи одам энди бу ҳолга қарши курашиши тайин.

Хўш, шахсий манфаати йўлида қинғир ишга қўл урганлар виждони қийналармикин? Йилига 2-3 та енгил машина минган, данғиллама иморатлар қурган, тола чиқиши даражасини ўз жиғилдонига «мослаган»лар-чи? Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бояқиш деҳқондан бозор нархининг учдан бирига сотиб олаётган қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари-чи? Мансабидан фойдаланиб, тамагирлик орқасидан қўша-қўша ресторан очганларнинг виждони Юртбошимиз гапларидан сўнг оғрирмикан?

Сесканади, оғрийди! Чунки эркин ҳаётини таъминлашга жазм этган халқ мустақилликка тўғаноқ бўлаётганларни энди аямайди. Президентнинг даъвати, қоларверса, ҳукумат белгилаётган чора-тадбирлар бу борада халққа куч-қудрат, ишонч бағишлайди. Виждони оғримайдиганлар пўртана юзидаги хас мисоли дарё қирғоғига чиқиб қолаверади.

Халқимиз табиатан бунёдкорликка мойил. Агар 2006 йил Ўзбекистоннинг нималарга қодир эканлигини намойиш қилган бўлса, бу, назаримда, пок ниятли халқимизнинг эзгу дуолари ижобатидир. Президентимиз 2007 йил ундан ҳам баракали, омадли келсин, деган истак билдирдилар. Насиб этса, кўнгли тоғдек юксалган халқимиз ана шу марраларни, албатта, эгаллайди.

Фармон ТОШЕВ.
Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири, вилоят кенгаши депутати.

Тайлоқ тамғаси билан

Тайлоқ туманидаги масъулияти чекланган консерва заводида ишлаб чиқарилаётган етти турдаги маҳсулотларнинг қарийб барчаси чет давлатларга экспорт қилинмоқда. Ҳозирда эса бир миллион шартли банка беҳи компоти тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб беришга шайлаб қўйилди.

СУРАТДА: ишчи Комила Бердиева.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, АНИҚ РЕЖАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Солиқ академиясида замон талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган мутахассисларни етказиб беришда айрим сусткашликларга йўл қўйилаётганлиги жиддий танқид қилинган эди.

Ҳайъат йиғилишида мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан Солиқ академиясини тамомлаган битирувчиларнинг жойлардаги фаолиятини доимий мониторинг қилиш, академиянинг меъёрий-услубий базасини солиқ тизимининг амалдаги талаблари давлат таълими стандартлари асосида янада такомиллаштириш, академия кафедралари ва бўлимларининг давлат солиқ тизими муаммоларини ҳал қилишдаги ролини ошириш ва фаол иштирокини таъминлаш борасида тавсиялар берилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда махсус ишчи гуруҳи тузилди ҳамда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши белгиланди.

Йиғилишда солиқ органлари тизимида порахўрлик, тамагирлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган вазифаларни бажаришда ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари томонидан профилактика ишлари етарли даражада олиб борилмаётганлиги натижасида **Вобкент, Поп, Оҳангарон, Кува, Тахтакўпир, Қўнғирот, Шаҳрихон** туманларида салбий ҳолатлар содир этилганлиги қайд этилиб, бу каби қусурларни бартараф этишда камчиликларга йўл қўйган мазкур Давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари огоҳлантирилди ҳамда 2007 йил 1-чорак якуни бўйича уларнинг масъулиятини кўриб чиқишга қарор қилинди.

Ҳайъат йиғилиши кун тартибига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-532-сонли қарори талабларининг бажарилиши борасидаги масала ҳам муҳокама этилди. Мазкур қарор ижросини таъминлашда **Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида** мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги кўрсатилиб ўтилди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги боқиманда қарзларни ҳамда пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга, хуфиёна иқтисодиётнинг олдини олишга, савдо ва пул муомаласи қоидаларига риоя этилиши юзасидан **Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Тошкент вилоятлари** давлат солиқ органлари томонидан камчиликларга йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олиниб, уларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-505-сонли қарори бажарилиши тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, бу борада **Сурхондарё, Сирдарё, Навоий ва Хоразм вилоятлари** солиқ органлари томонидан сусткашликка йўл қўйилган.

Юқорида қайд этилган масалалар муҳокамаси давомида, камчиликларга йўл қўйган жами 34 нафар солиқ идоралари раҳбарларига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

ДСҚ Ахборот хизмати.

Молия муассасаларида

Мамлакатимиз иқтисодиётида банклар алоҳида ўрин тутади. Улар зиммасига иқтисодиётда локомотив ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пул оқимларининг мутаносиб айланишини таъминловчи қон томир вазифасини бажаришдек масъулиятли вазифа юкланган.

Кейинги йилларда республикамиз иқтисодий ҳаётида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берар экан, бунда, шубҳасиз, банкларнинг, шу жумладан, хусусий очиқ акциядорлик тижорат "Алп Жамол банк"и жамоасининг ҳам муносиб улуши бор, албатта.

ХОАТ «Алп Жамол банк»:

МИЖОЗЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, банк маблағи, асосан, хусусий сармоя асосида таркиб топади. Шунинг учун омонатчилар ва кичик корхоналарга хизмат кўрсатиш аксарият ҳолларда хусусий банклар зиммасига тўғри келади.

Мамлакатимизда ҳам банк тизимига хусусий капиталларнинг кириб келиши туфайли ушбу тизимда ривожланишнинг янги босқичи бошланди, деб айтсак, хато қилмаган бўламиз. Айниқса, Президентимизнинг 1997 йил 24 апрелдаги "Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан кейин бу жараён янада фаоллашди. Масалан, ҳозирга келиб, республикамиздаги тижорат банкларининг деярли ярмини хусусий ва хорижий капитал иштирокидаги банклар ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

1998 йилда бир гуруҳ тадбиркорлар иштирокида таъсис шартномаси асосида ташкил этилган хусусий очиқ акциядорлик тижорат "Алп Жамол банк"и мамлакатимиз молия тизимида изчил фаолият кўрсатиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, "Алп Жамол банк" банк хизматлари бозорида фаолиятини бошлар экан, ўз олдига бир қатор устувор вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб олди. Аниқроғи, банк, унинг универсаллиги, мавжуд ва потенциал мижозларга банк хизматларининг энг тўлиқ тўпламини таклиф этиш ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини оширишни ўзининг асосий стратегияси этиб белгилади. Шу билан бирга, рақобат муҳитидан келиб чиққан ҳолда, оптимал нарх-наво сиёсатига таяниб, банкка мақбул даражада мижозларни жалб этиш ҳам устувор мақсадга айланди.

Банкнинг 8 йиллик фаолиятида кичик ва ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.



Банкнинг ўтган йилдаги фаолиятига назар ташлар экансиз, унинг динамик тарзда ривожланиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Шу ўринда биргина мисол. "Ахборрейтинг" республика банкларо рейтинг компанияси томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра, 2006 йил якуни бўйича "Алп Жамол банк" мамлакатимиздаги мавжуд банклар орасида бешинчи, ўрта банклар бўйича биринчи ўринни эгаллади.



Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Айтиш жоизки, банк Кенгаши ва бошқаруви, унинг таркибий бўлимлари Ўзбекистон Республикасининг **"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"**ги Қонунида, Президент Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, давлат органлари, Марказий банк ва ўзининг ички иш юритув талабларини изчил амалга ошириб, белгиланган ривожланиш дастурини тўлиқ бажаришга эришмоқда.

Маълумки, молия муассасасига баҳо берувчи асосий кўрсаткичлардан бири — унинг активларидир. Шунингдек, хизмат кўрсатишдаги сифат таркиби, даромадлилиги, ликвидлик даражаси ва ўсиш суръатларидан банкнинг умумий молиявий ҳолати шаклланади. Ўтган вақт ичида банк активларининг ҳар бир йўналиши мутасадди таркибий бошқармалар томонидан назоратга олиниб, унинг бошқаруви томонидан мувофиқлаштириб келинди. Бу эса, пировардида банкнинг оптимал тузилмага эга активларининг шаклланиши ва уларнинг ўсиш суръатлари ошишига имкон яратди.

Мулкчилик шакли бўйича банк томонидан берилган кредитлар тақсимоти:

Сифат таркиби бўйича банк активларининг 55,1 фоизи ёки 19684,0 млн.сўми даромад келтирувчи активлардир. Даромад келтирувчи активларнинг ўтган йил давомидаги ўртача ҳажми 17901,0 млн.сўмни, ташкил этди.

Ҳисобот даврида ликвидли активлар миқдори 13675 млн. сўмни, банк активларининг ликвидлик ҳолати эса 49,82 фоизга етди.

Банк активлари таркибида энг катта ўринни унинг ссудалар портфели эгаллади. Мисол учун, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ссудаларнинг умумий активлардаги улуши 39 фоизни ташкил этгани фикримизга далил

Академик Галина Анатольевна ПУГАЧЕНКОВА

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Марказий Осиё санъати ва маданиятининг таниқли тадқиқотчиси, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Галина Анатольевна Пугаченкова 92 ёшида вафот этди.

Г.А.Пугаченкова 1915 йил 7 февралда меъмор оиласида туғилди. 1937 йилда Тошкент политехника институтининг меъморчилик бўлимини ва Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи кафедрасида аспирантурани тамомлади. Г.А.Пугаченкова 1941 йилда "Навоий даври меъморчилиги" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1942-1960 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет) тарих факультетининг археология кафедрасида доцент бўлиб ишлади.

Г.А.Пугаченкова ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб турмуш ўртоғи ва сафдоши академик М.Е.-Массон билан биргаликда археологик экспедицияларда иштирок этди. 1958 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1960 йилдан бошлаб Санъатшунослик институтининг меъморчилик ва санъат тарихи секторига мудирлик қилди. Шу йили олима санъатшунослик таҳлили усулида археологик қазиш ишларини амалга оширадиган Ўзбекистон археология-санъатшунослик экспедициясини ташкил этди. 1965 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1984 йилда эса ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. 1986-1989 йилларда Фанлар академиясининг Ижтимоий фанлар бўлимида академик-котиб лавозимида ишлади. Г.А.Пугаченкова умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг етакчи илмий ходими сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.

Галина Анатольевна Пугаченкова бутун ҳаёти ва истеъдодини илм-фан соҳасига сидқидилдан хизмат қилишга бағишлади. У ўзининг серқирра таланти, чуқур билими, теран ва салмоқли тадқиқотлари билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам шуҳрат қозонди. Г.А.Пугаченкова 750 дан зиёд илмий иш муаллифидир. Ушбу тадқиқотларнинг аксарияти дунёнинг турли тилларига таржима қилинган. Унинг раҳбарлигида 30 нафардан кўпроқ тадқиқотчи докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлади.

Холчаён ва Далварзинтепадан ноёб қадимий маданият намуналарининг топилишида Галина Анатольевна Пугаченкованинг хизматлари беқиёсдир. У қадим замонда ва ўрта асрларда Ўрта Осиёда кечган тарихий-маданий жараёнларни умумлаштирувчи концепцияни ишлаб чиқди ҳамда ҳар томонлама асослади.

Г.А.Пугаченкова жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди, юртимиз ва хорижий илмий журналлар таҳририятлари ҳайъатининг аъзоси эди, Ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш халқаро ташкилоти (ICOMOS)нинг аъзоси сифатида кўплаб халқаро симпозиум ва конференцияларда Ўзбекистон илм-фанини муносиб намоён этди. 1985 йилда Страссбург университетининг фахрий доктори юксак унвонига сазовор бўлди, 1995 йилда Франциянинг «Академик пальма» давлат ордени билан тақдирланди.

Олиманинг илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари республикамиз ҳукумати томонидан муносиб баҳоланди. Г.А.Пугаченкова "Буюк хизматлари учун", "Дўстлик" орденлари ва "Шуҳрат" медали билан мукофотланди, Ўзбекистон фан арбоби унвонига сазовор бўлди, Давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Атоқли олима, илм-фаннинг йирик ташкилотчиси ва тарғиботчиси, жамоат арбоби ва истеъдодли педагог Галина Анатольевна Пугаченкованинг ёркин хотираси абадий сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.ҚОСИМОВ, Ш.СОЛИҲОВ, Т.ҚЎЗИЕВ, Э.РТВЕЛАДЗЕ, Т.ШИРИНОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳиндистонда йўловчи поездида кетма-кет кучли портлашлар содир этилди. Шундан сўнг ёнғин бошланди. Натижада 66 киши ҳалок бўлди. Мазкур поезд Деҳлидан Покистоннинг Лахор шаҳрига йўл олганди. Фожиа юз берган пайтда эшелонда 500 нафар йўловчи бўлган. Уларнинг аксарияти Покистон фуқароларидир. Расмий Исломобод мазкур хунрезликни террорчилик хуружи деб атаб, Ҳиндистон ҳукуматидан жиддий чоралар кўришни ҳамда айбдорларни жазолашни талаб қилди.

Афғонистондаги коалиция кучларига бошчилик қилаётган АҚШ қўмондонлигининг маълум қилишича, мамлакат жануби-шарқида бир вертолёт қулаб тушган. Натижада саккиз киши ҳалок бўлди, 14 киши жароҳатланди. Вертолёт бахтсиз ҳодисага учрашдан олдин экипаж аъзолари двигателда муаммо юзага келганини хабар қилишган.

АҚШ Конгрессидаги демократлар Ироқда ўтказилаётган ҳарбий операцияларни тўхтатишни хоҳлашмоқда. Мазкур масала юзасидан демократлар етакчиси 2002 йил октябрь ойида мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган резолюцияга ўзгартиришлар киритишни таклиф қилди. Ўша резолюцияда Ироққа қарши ҳарбий кучлардан фойдаланиш назарда тутилганди. Демократлар АҚШ Конституциясига мувофиқ бирор давлатга уруш эълон қилиш Конгресснинг ваколатларига киришини айтишмоқда.

Эрон ва ЕИ мамлакатнинг ядро муаммоси юзасидан икки томонлама музокараларни қайта тиклаш юзасидан келишиб олишди. Бу ҳақда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Манучехр Моттаки журналистларга маълум қилди. Эслатиб ўтамиз, МАГАТЭ жорий йилнинг 23 февраль куни Эроннинг ядровий дастури юзасидан БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот топшириши режалаштирган.

Россия собиқ иттифоқнинг Париж клубидаги қолган қарзларни муддатидан олдин тўлаш ҳисобига 6,6 миллиард доллар тежашга эришди. Мамлакат ҳисоб палатаси вакилининг сўзларига кўра, 2003 йил 1 январдан буён собиқ иттифоқнинг 92 фоиз қарзи тўланган.

Канаданинг Франциядаги элчихонасида теракт хуружи юз бериши мумкинлиги эҳтимоли учун хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Бунга сабаб, кеча эрталаб элчихона биноси ёнида шубҳали қути топилган. Бироқ тез орада мазкур ашё зарарсиз эканлиги аниқланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАМКОРИ



бўла олади. Ушбу ссудаларнинг 156 нафар кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилгани, айниқса, эътиборга моликдир.

2007 йилнинг устувор бизнес-режасига кўра, банкнинг кредит портфели миқдорини 22,5 млрд. сўмга етказиш мўлжалланган. Унда "Истеъмол", "Ипотека" ва "Таълим" кредитлари улуши ҳам кўпайтирилади. Хусусан, банк томонидан 200,0 млн. сўм "Истеъмол" кредити ва 450,0 млн. сўм миқдорида "Ипотека" кредити ажратиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, банк томонидан мижозларга талаб даражасида "Автокредит" ҳамда "Таълим" кредити бериш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса банк томонидан аниқ режалар ишлаб чиқилди. Унга кўра, жорий йил давомида банк ўз маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга тўй маросимларини ўтказиш, мебель ва уй жиҳозларини харид қилиш, оилавий бизнесни ташкил этиш, иқтидорли ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш каби мақсадлар учун 142 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратади.

"Алп Жамол банк"нинг ривожланиш дастурига киритилган асосий стратегик мақсадлардан яна бири — банк фаолияти доирасини кенгайтириш ва намунали хизмат мижозларга кўрсатишдир. Агар ҳозирда банк 4 та филиали, 10 та мини банки, 18 та халқаро пул ўтказиш ва 12 та валюта алмаштириш шохобчаси, шунингдек, 20 та махсус кассаси орқали мижозларга хизмат кўрсатаётган бўлса, жорий йилнинг ярим йиллигида улар сафига Нукус, Урганч, Бухоро ва Қамаши шаҳарларидаги филиаллар ҳам қўшилади.

Банк хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш қаторида кўрсатилаётган хизмат турларини ҳам кўпайтираётгани қувонарли ҳол, албатта. 2006 йилдан бошлаб банкда "БЫСТРАЯ ПОЧТА" ва " UNI STREAM" халқаро пул ўтказиш тизимларидаги амалиётлар жорий этилган бўлса, яқиндан бошлаб эса, "WESTERN UNION" халқаро пул ўтказиш тизими орқали банк хизматлари кўрсатиш бошланди. Ушбу йўналишдаги амалиётларнинг кенгайиши кўрсаткичлар суръатининг ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Биргина 2006 йил давомида банкнинг халқаро пул ўтказиш шохобчалари орқали ўтказилган кирим амалиёти 27,7 млн., чиқим амалиёти эса 16,0 млн. АҚШ долларини ташкил этгани бунинг исботидир.

"VISA INTERNATIONAL" халқаро тўлов тизими аъзоси ҳисобланган ХОАТ "Алп Жамол банк"и 2005 йилдан бошлаб ўз логотипи тамғаланган "VISA-CLASSIC" пластик карточкалари эмиссиясини ҳам бошлади. 2006 йилдан эса "VISA-GOLD" пластик карточкалари амалиётга чиқарилди. Эътиборлиси, бу турдаги карточка эгаларига маълум миқдорда хорижий валютада кредит линиясини очиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Маълумки, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида пластик карточкалардан фойдаланиш оддий ҳол ҳисобланади. Тўлов воситасининг бундай замонавий ва қулай усули юртимизда ҳам оммалашиб бормоқда. Хусусан, ХОАТ «Алп Жамол банк»и томонидан чиқарилган "VISA" пластик карточкалари 1300 тадан ошди. 2006 йилда улар орқали ўтказилган амалиётлар 4090,0 минг АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан икки баравар юқори бўлди.

Банк жамоаси жорий йилга мўлжалланган устувор режасига Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари асосида давр, рақобат муҳити, мижоз ва акциядорлар талабларидан келиб чиқиб, ўзининг молиявий фаолиятига муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Яъни, банкнинг нарх-наво, кредит, депозит ва дивиденд борасида ўзига хос йўл танланди. Айни чоғда, банкнинг истеъмол кредити ҳажми оширилиб, улар бўйича ўрнатилган лимитлар кўпайтирилди.

"Алп Жамол банк" бошқаруви ўз ходимларининг профессионал тайёргарлиги даражасига ҳам бирламчи вазифа сифатида эътибор қаратмоқда. Жумладан, уларнинг касбий маҳорати ва тажрибаларини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Агар ҳозирда банкнинг барча таркибий тузилмаларида 300 нафардан зиёд мутахассис-ходим фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарияти олий маълумотли, ёш, иқтидорли кадрлардир.

Мамлакатимиз Президенти 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "Одамларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш, уларни ишончли ҳамкор деб қарашига эришиш учун мунтазам равишда иш олиб бориш даркор" деб таъкидлади. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ХОАТ "Алп Жамол банк"и жамоаси асосий фаолияти доираси ва қўламини кенгайтириш, илғор технологияларни жалб этиш, ходимлар малакаси ва тажрибасини ошириш, банкнинг воситачилик ролини кучайтириш, шунингдек, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоялаш ҳамда банкнинг ликвидлиги ва капитал базасини ошира бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
очиқ аукцион савдоларида иштирок этишга таклиф этади!

Республика Кўчмас мулк биржасининг ҳудудий вилоят филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига суд ижрочилари томонидан хатланган кўчмас мулкларни савдога қўйилишини маълум қилади.

I. Республика Кўчмас мулк биржасининг Сурхондарё вилояти филиали 2007 йил 6 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулкларни қўяди:

1. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 14 июлдаги 19-0604-1815-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Термиз шаҳри, А.Навоий кўчасида жойлашган «Семурғ-Шерзод» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига қарашли, 2 қаватли «Супермаркет» мажмуаси биноси.
Бошланғич баҳоси — 211 858 876 сўм.
2. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2006 йил 10 октябрдаги 19-0604-1814-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Узун тумани, Ўзбекистон кўчасида жойлашган «Сариосиёсувқурилиш» хусусий инжиниринг консалтинг компаниясига қарашли маъмурий бино.
Бошланғич баҳоси — 165 515 366 сўм.

II. Республика Кўчмас мулк биржасининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали 2007 йил 10, 26 март ва 10 апрель кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулкни қўяди:

Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2006 йил 25 апрелдаги 23-06-05/1138-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган Нукус шаҳри, Беруний кўчасида жойлашган «Дауыт» акциядорлик жамиятига қарашли 1981 йилда қурилган комбайн таъмирлаш цехи биноси.
Бошланғич баҳоси — 40 109 587 сўм.

2007 йил 10 мартдаги аукцион савдоларида сотилмаган мулк 2007 йилнинг 26 март ва 10 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилишини маълум қиламиз.

«Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 19 январдаги 15-сонида Республика Кўчмас мулк биржаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан эълон қилинган, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2006 йил 18 сентябрдаги 23-06-07/1725-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Хўжайли тумани «Алибек» МЧЖга қарашли бинолар, Хўжайли тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 8 февралдаги 3470-сонли хатига асосан савдолардан олинди.

«Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 11 январдаги 11-сонида Жиззах вилояти хўжалик судининг 13-0308/5192, 13-0504/518 ва 13-0602/517-сонли ишлари бўйича 2004 йил 5 январдаги, 2005 йил 20 декабрдаги ва 2006 йил 13 февралдаги ижро ҳужжатларига асосан Суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлими томонидан хатланган, «Жиззахсувқурилиш» ОАЖга қарашли, бошланғич баҳоси — 57 398 018 сўм бўлган маъмурий бино Суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлимнинг 2007 йил 7 февралдаги 102-сонли хатига асосан савдолари вақтинча тўхтатилганлигини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини:
— РКМБ Фарғона вилояти филиалининг қуйидаги: ХЕАТБ «Давр банк» Термиз шаҳри мини банкидаги 20210000700571452053, МФО 00981, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига;
— РКМБ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги: «Миллийбанк»нинг Қорақалпоғистон филиалидаги 20210000100571452055, МФО 00582, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛЛАР:

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сурхондарё вилояти филиали, Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: 8 (376) 227-25-49.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали, Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Телефонлар: 8 (361) 222-84-44, 770-65-90.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Жиззах вилояти филиали, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй. Телефонлар: 8 (372) 222-35-77, 222-34-16.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Saniplast **«САНИПЛАСТ»** Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.

Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАРЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЁШ ОЛИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
«АГРОИЛМДУНЁ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасидаги келишувга мувофиқ, АҚШ ҳукумати томонидан «Section-416(b)» дастури доирасида маълум миқдорда ажратилган грант маблағлари асосида 40 ёшгача бўлган иқтидорли олимлар ва тадқиқотчиларга инглиз тилини ўргатиш бўйича уч босқичдан иборат, яъни, бошланғич, ўрта ва юқори тарзда билим бериш ўқув курслари ташкил этилаётганини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўқув курсларида иштирок этишни хоҳловчилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги «Агроилмдунё» илмий ишлаб чиқариш корхонасига ўзи фаолият кўрсатаётган университет ёки институт илмий кенгашининг номзодлик ёки докторлик диссертацияси мавзуси тасдиқланганлиги тўғрисидаги хулосаси ва фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет-1 кўчаси, бош бино. Телефон: 63-96-30.

Ҳужжатлар эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 15 кун мобайнида қабул қилинади.

Ўқув курси харажатлари АҚШ ҳукуматининг «Section-416 (b)» дастури доирасидаги грант маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Фирма қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаради. Тўлов шакли — нақд ва пул ўтказиш йўли билан. Телефон: 340-99-37.

ИП ООО «SPENTEX TASHKENT TOYTEPA» ТРЕБУЮТСЯ ТРАНСПОРТНЫЕ ФИРМЫ ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ РАБОТНИКОВ

CLC

ПРЕДВАРИТЕЛЬНЫЕ ТАРИФЫ
1 км 250 сумов 20-30 п/м
1 км 300 сумов 30-40 п/м
1 км 350 сумов 40-50 п/м

ИП ООО «Spentex Tashkent Toytepa» располагает двумя фабриками, находящимися в г. Ташкенте (м-в Кукча) и в г. Тойтепа. На предприятии работают свыше 4,1 тысячи человек, которым необходимо оказывать услуги по перевозке на автобусах малой и средней вместимости. Общее количество маршрутов около 24 и протяженность одного маршрута от 350 км до 570 км в сутки.

Заинтересованных транспортных фирм просим обращаться до 28 февраля 2007 года по адресу: г. Ташкент, 700042, ул. Зиё Саида, 2а.

Контактные телефоны: 120-4800/06 факс.
E-mail; Anarkulov@clcindia.uz

Хабарингиз борми?

Интернетдан газетамизнинг дам олиш саҳифаси учун карикатуралар қидираётиб, Бразилиянинг Пирацикаба шаҳрига "бориб қолибмиз". Бу ерда ўтказиладиган ҳажв фестивалларида бутун дунёдан кулгу усталари иштирок этар, энг зўр асарлар эса фестивал сайти орқали тарқатилар экан.

ҲАМЮРТИМИЗ — ЕВРОПАДА ҲАЙЪАТ РАИСИ

Ўтган йили биринчи ўринни эгаллаган карикатура диққатимизни тортди. Унда тасвирланишича, стадионда югуриб бораётган спортчилар кетма-кетлиги мониторда тескари кўринмоқда. Мундоқ қарасак, муаллифи ҳақида Маҳмуд Эшонқулов (Ўзбекистон) сўзларини ўқидик. Севиниб кетдим! Таниган-билганлардан суриштира бошладим. Ўзбекистон Бадиий академияси ҳам, Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳам у кишининг ўз аъзолари эканидан фахрлана-фахрлана таништиришди:

"Маҳмуд Эшонқулов. 1958 йилда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. Тошкент давлат педагогика институтининг Бадиий графика факультетини битирган. Қиркдан ортиқ мамлакатларда ўтказилган кўргазма ва танловлар совриндори..."

Шундан сўнг, кўп ўтмай, Маҳмуд ака билан кўришдик. Ҳаётдан кулгу қидириб, бошқаларга ҳам табассум улашиб яшаётгани учунми, ҳеч ким бу кишини элликка яқинлашган демайди. Ўзиям расмларидай содда, самимий ва одми инсон экан.

— Карикатура сўзи италянча "бўрттириш" деган маънони билдирса-да, бу санъат ўзида кулги, ҳазил, киноя ва танқидларни ҳам мужассамлаштира олади, — дейди рассом. — Ўз касбимга жиддий қарайман. Мавзулар танлаш ва уни тасвирлаш устида узоқ ўйлайман.

Дарҳақиқат, кулгига асосланган бўлса-да, бугунги карикатура жиддий санъат ҳисобланади. Кишилар, жамоалар, ҳатто, давлатлар ҳам ўз ғоя ва мақсадларини шу йўл билан тарғиб қилишяпти. Турли мафкуралар, яширин ақидалар "билса ҳазил, билмаса чин" қабилида ошкор этилмоқда. Эндиликда бу санъат кишидан истеъдод ва топқирликдан ташқари, огоҳлик ва ҳозиржавоблик ҳам талаб қилади.

Маҳмуд Эшонқуловнинг суратларига назар ташлар экансиз, аввало, ана шу хислатларни кўрасиз. Уларда экология, терроризм, гиёҳвандлик каби глобал мавзулар қаламга олинган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: "Инсонларнинг дилидаги гапларни, ҳаётнинг ҳеч ким эътибор бермаган қирраларини илғай билиш муҳим. Шу билан бирга уни акс эттириш учун оригинал ғоя керак. Бунинг учун эса газета ўқийман, китоб титкилайман. Ҳар куни интернетга кираман. Менимча, суратларимнинг ранг-баранглиги ва муваффақиятини таъминлаган асосий омил — мутолаа".

Дарвоқе, карикатура даврий матбуот рассомчилиги деб ҳам юритилади. Негаки, у дастлаб газета ва журналларда чоп этилган, таҳририятларнинг бир тармоғи сифатида ривожланган. Бугунги кунда ҳам хориж матбуоти — хоҳ иқтисодий, хоҳ ҳуқуқий ёки ҳажвий бўлсин — карикатуралар учун алоҳида жой ажратади. Бизда эса бундай расмлар фақат ҳажвий нашрлар учун хос деган тушунча мавжуд.

— Аслида карикатура даврий матбуотнинг мақсадларига жуда мос. Қизиқарли, маъноли, мантиқли. Ихчамлигини айтмайсизми: баъзан бир мақола ёки шеърда ифодалаб бўлмайдиган нарсани кичик суратда қамраб олиш мумкин. У ўқувчини бир пайтнинг ўзида ҳам кулдиради, ҳам ўйлантиради. Юртимизда маҳоратли карикатурачилар талайгина. Газета-журналларимизнинг мундарижаси эса ундан-да кўп. Фақат уларнинг ҳамкорлиги ҳозирча яхши йўлга қўйилмаган, — дейди рассом.

Ўз вақтида "Муштум" журнали кўпчилик таҳририятлар учун ибрат мактаби эди. Истеъдодларни кашф этиш, уларни ишга жалб этиш борасида ҳам ташаббускор эди. Мана, Маҳмуд Эшонқуловни олайлик. Ўрта мактабни тамомлагандан сўнг, шароит тақозосидан қишлоқда ишлаб юрганди. Карикатурага ҳаваси боис, у-бу машқларини матбуотга жўнатиб турарди. Ундаги қобилиятни илғаган "муштум"чилар ўн йил олдин мусаввирни пойтахтга таклиф қилишган эди.

Бугун бу инсонни бутун дунё тан олаяпти. Беш йиядирки, халқаро танловларда ғолиблиги қўлдан бермаяпти. 2002 йил Хитойнинг Нинжинг шаҳрида олтин медаль, 2004 йил Япония пойтахтида ва 2005 йил Сурияда биринчи ўринларни эгаллади. Бултур Жанубий Кореяда "энг яхши карикатура" ҳамда пойтахтимизда "Олтин қалам" мукофотларига сазовор бўлди. Бундан ташқари, 30 дан ортиқ рағбатлантирувчи ва махсус совринлар билан тақдирланди.

Қаранг: ҳаётда бошқа, экранда бошқа.

— Ёшим қирққа яқинлашиб, болаларим улғайиб қолганда пойтахтга келганман, — дейди у. — Бошида қийинчиликлар, иккиланишлар ҳам бўлди. Яхши инсонларнинг ёрдами ва давлатимизнинг санъатга эътибори туфайли шундай муваффақиятларга эришдим. Мен бундан куч олдим, вужудимда ғайрат сездим. Энди янада олдинга интилаяпман. Дунё рассомларидан қолишмасликка, ўзбеклар бу борада ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатишга ҳаракат қиляпман.

Маҳмуд Эшонқулов ўтган йили Сербия ва Черногорияда ўтказилган "Олтин дубулға" танловида биринчи ўринни эгаллади. Шундан сўнг руминиялик мутахассислар ҳамюртимизни "дунёнинг юзта энг яхши карикатурачилари" рўйхатига киритишди. Энди Европа мамлакатларида унинг шахсий кўргазмалари очилади, суратларидан иборат буклетлар чоп этилади. Энг асосийси, "Олтин дубулға" низомига кўра, ғолиб мусаввир келгуси танловнинг ҳакамлар ҳайъатига раислик қилади.

Демак, Маҳмуд Эшонқулов яқинда Сербия ва Черногорияга бориб, энг нуфузли танловнинг энг обрўли кишиси сифатида қатнашади. Бутун дунёдан келган минглаб рассомлар ижодига баҳо беради. Бу эса ҳажвчи рассомимизнинг катта ютуғи ва маданиятимизнинг яна бир эътирофидир.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Спорт

Украинада кураш сайти очилди

Маълумки, миллий қадриятимиз — кураш Украинада тез оммавийлашаётган спорт турларидан ҳисобланади.

Мазкур давлат кураш федерацияси мутасаддилари унинг тарғиботига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Яқинда Украина кураш федерациясининг махсус сайти — www.kurash.ua ишга тушди. Украина кураш федерацияси президенти Владимир Мачугиннинг таъкидлашича, эндиликда сайт орқали мамлакат аҳолиси курашга оид энг сўнгги янгиликлар билан мунтазам таништириб борилади.

КХА сафи кенгаймоқда

Курашнинг халқаро майдондаги қамрови яна кенгайди. КХА матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, Қозоғистон кураш миллий федерацияси давлат рўйхатидан ўтказилиб, расмий ташкилот сифатида фаолият бошлади. Қозоғистондаги ўзбек миллий маданий маркази раҳбари Баҳром Мўминов унинг президенти этиб сайланди.

Шундай қилиб, Кураш халқаро ассоциациясига аъзо мамлакатлар сони 86 тага етди. Бундан буён қозоқ полвонлари ҳам кураш бўйича халқаро доирада ўтадиган мусобақаларда фаол иштирок этадиган бўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

РАДИОСТАНЦИЯЛАР УЧУН АККУМУЛЯТОР БАТАРЕЯЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер таклифлари 2007 йил 14 февралдан 14 март соат 17.00 гача қабул қилинади.
Манзил: 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
8 10 998 (371) 136-27-82, 152-30-36.
Факс: 8 10 998 (371) 361-43-73.
E-mail: umtvs@uzpak.uz

Товар сертификатланган
Қўшма корхона UZBARREL PRODUCTION
ПЛАСТМАССА БОЧКАЛАРИ
Марказий Осиёдаги энг йирик пластмасса бочкалари ишлаб чиқарувчи.

Қуйидагиларни сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган:
*Озиқ-овқат маҳсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт),
*Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.
Европа стандартлари.
Ҳажми 10, 60, 155, 200, 220 литр, тор ва кенг бўғинли.
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси,12. Тел./факс: (99871) 152-56-01, 152-74-14.
Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru, office@uzbp.uz

Меҳмоннинг қилмиши

Сафардан қайтган Серик отасининг уйи эшигини тақиллатди. Ичкаридан садо бўлавермагач, бир пас у ёқ-бу ёқни айланган бўлди-да, тағин изига қайтди. Аммо фойдаси бўлмади.

Коронғулик тушгани боис ноилож яқин атрофда яшайдиган аммасиникида тунашга мажбур бўлди. Эртаси яна ўша ҳол такрорланди. Эшик берк, ота эса йўқ. Қўшнилардан суриштирса, кўрмадик дейишди. Шунда Серикнинг кўнглига хавотир тушди. Эшикни бузиб киришдан ўзга чора тополмади. Не кўз билан кўрсаки, отаси — Жаббор ака уйда жонсиз ётарди...

Воқеадан хабар топган ички ишлар ходимлари марҳумнинг танишбилишлари, шу атрофда яшовчи шубҳали шахслар билан қизиқишди. Марҳумнинг қўшниларидан бири гап орасида нотаниш одамлар кўк рангли «Москвич» автоуловида подъезддан музлаткич ва бошқа ашқол-дашқолларни ортиб кетганликларини айтади. Шу тариқа калаванинг учи топилади.

...Муқаддам жиноят содир этган Ашур озодликка чиққач, бирон-бир ишнинг этагидан тутмайди, ўзига тегишли хулоса чиқармайди. Эски касали қўзиб, осон пул топиш йўлини ўйлайди. Яқиндагина бирга улфатчилик қилган янги таниши Жаббор акани учратади-да, ўзича йўлини топгандай бўлади. У бир шиша ароқни ёнига олиб ёлғизликдан зериккан отахонникига йўл олади. Ёши ўтган эмасми, озгина ичкилик мезбонни элитади. Ва ўтирган жойида пинакка кетади. Бу Ашур учун қулай пайт эди. Балконда ётган темир қувур бўлагини олади-да, уй эгасининг бошига туширади. Унинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, чўнтагидан уйи калитини олади. Ва...

Бу гал ҳам Ашур қаттиқ янглишганди. Ёпиғлиқ қозон, ёпиғлигича қолади, деган хом-хаёлда эди. Лекин ундоқ бўлмаслигини у тушундимикин?

Ушбу жиноятни тезкорлик билан очишда Чирчиқ шаҳар ИИБ ходимлари жонбозлик кўрсатганини таъкидлаш жоиз.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА,
журналист.

МАГАЗИН-САЛОН "Умный Дом"

◈ Учрежденческие и мини-АТС
◈ Системы видеонаблюдения
◈ Системы контроля доступа
Тел.: 138-9999, 137-2988 Факс 137-2977
www.setko.uz Товар сертифицирован

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Ф. Э. Комиловга онаси
МАРҲАМАТ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси жамоаси Комиссия раисининг ўринбосари Қўчқор Тоғаевга опаси
Бўстон ЖАББОРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ИИЧБ, Ўзбек Миллий академик драма театри Ўзбекистон халқ артисти
Ҳожиакбар НУРМАТОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси Биоорганик кимё институти директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, кимё фанлари доктори, профессор Аббосхон Тўраевга онаси
ТУРСУНХОН аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Факультетлараро ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти Мавлуда Абдуллаевага онаси
Мавжуда АБДУЛЛАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.40 12345